

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ АУДИТИНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

*СамИСИ ассистенти М.Ҳ.Хусанов  
СамИСИ магистранти Б.А.Мирзаев*

**Аннотация:** Мақолада қўшилган қиймат солиғи аудитини ташкил этиш асослари, аудит ўтказиш босқичлари ҳамда қўшилган қиймат солиғи аудитини режаси ҳамда дастури ишлаб чиқилган..

**Калим сўзлар:** аудит, ҚҚС, солиқ, аудит режаси, аудит дастури.

**Аннотация:** В статье разработаны основы организации проверки по налогу на добавленную стоимость, этапы проверки и план и программа проверки по налогу на добавленную стоимость.

**Ключевые слова:** аудит, НДС, налог, план аудита, программа аудита.

**Annotation:** The article develops the basis for the organization of the value added tax audit, the stages of the audit and the plan and program of the value added tax audit.

**Keywords:** audit, VAT, tax, audit plan, audit program.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг ривожланиши еркин бозор муносабатлари билан ифодаланадиган бўлса, давлат билан бозор муносабатлари шароитида ишлайдиган корхона, бирлашма ва ташкилотлар ўртасидаги муносабат фақат ҳуқуқий муносабат асосида бўлиши тақозо этилади. Бундай муносабатлар қисман ҚҚС билан амалга оширилади.

Барча фаолиятлар сингари аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун ўзининг ташкилий таъминотига эга бўлиши лозим. Аудитнинг ташкилий таъминоти деганда, одатда, уни ўтказишни режалаштиришдан тортиб, то уни яқунлаш ҳамда натижаларини миқдорга топширишгача бўлган ишлар мажмуаси тушунилади.

Аудиторлик ишини мос равишда режалаштириш аудитнинг муҳим жабҳаларига тегишли эътибор қаратиш, эҳтимолий вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни белгилаш ва ишларни қисқа муддатларда бажаришни таъминлашга ёрдам беради. Режалаштириш, шунингдек, ишни тегишли равишда аудитор ёрдамчилари ўртасида тақсимлашга ҳамда бошқа аудиторлар ва экспертлар томонидан бажарилаётган ишни мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Режалаштириш ҳажми субъект катталиги, аудитнинг мураккаблиги, аудиторнинг ушбу субъект билан иш тажрибаси ҳамда бизнесни билишликка боғлиқ. Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда, аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириши лозим. Аудит дастурини тайёрлаш жараёнида аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликлари аниқ баҳоланганлиги ҳамда моҳияти бўйича муолажалар билан таъминланадиган керакли бўлган ишонччилик даражасини кўриб чиқиши лозим. Аудитнинг умумий режаси ва аудитнинг дастури аудит ўтказиш вақтида лозим бўлишига қараб қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботи таркибий тузилиши ва мазмунидан келиб чиқиб, шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҚҚС аудитининг хусусий режаси ва дастурини тузиб чиқишга ҳаракат килдик. Улар 5-жадвалларда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Қўшилган қиймат солиғи аудитининг режаси

№	Аудит жараёнидаги иш ҳажми	Бажарилиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1	Мижоз фаолияти ҳамда солиқ ва тўловлари билан танишиш	Бир кун		
2	Корхонада ички назорат тизимини баҳолаш	Икки кун		
3	Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик далилларини тўплаш	Бир кун		
4	Солиқ ва тўловлар бўйича жиддийлик ва хатари (таваккалчилиги) даражасини аниқлаш	Бир кун		
5	Солиқ ва тўловлар бўйича аудиторлик танлови усулларини белгилаш	Икки кун		
6	Солиқ ва тўловлар бўйича аудит дастурини тузиш	Икки кун		
7	Солиқ ва тўловлар аудитини бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш)	Бир кун		
8	Бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралик ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш	Бир кун		
9	Текширув натижаларини миқозга тақдим этиш ва ҳ.к.	Бир кун		

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари(аудитор) :

### 2-жадвал

#### Қўшилган қиймат солиғи аудитининг режаси

№	Текшириладиган масалалар мазмуни	Аудиторларнинг ишчи Ҳужжатлари	Текшириш усуллари
1	Мижоз фаолияти ҳамда солиқ ва тўловлари билан танишиш	Устав ва ҳисоб сиёсати	Ташкилий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш
2	Корхонада ички назорат тизимини баҳолаш	Олинган тестлар	Тестлаш
3	ҚҚС бўйича аудиторлик далилларини тўплаш	Солиқ ҳисоб китоблари	Кузатиш
4	ҚҚС бўйича солиқ базасини текшириш	Солиқ ҳисоб китоблари	Солиштириш усули, Таккослаш усули
5	ҚҚС бўйича дебеторлик ва кредиторлик қарзларини текшириш	Бош китоб, обороткалар	Солиштириш усули, Таккослаш усули
6	ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботларини текшириш	Солиқ ҳисоботлари	Солиштириш, таккослаш усули

7	ҚҚС бўйича солиқ имтиёзларини текшириш	Солиқ ҳисоботлари	Кузатиш
8	Кириш бўлган ва чиқим бўлган счётактураларни текшириш	Счётактуралар	Солиштириш усули, Таккослаш усули
9	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Текшириш натижалари умумлаштирилган жадрал	Жадраллар, аудиторлик тахлил

Аудиторлик гурухининг рахбари(аудитор)

Аудитор ҚҚС бўйича кулланилган имтиёзларнинг ҳамда ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар учун мол етказиб берувчиларга туланган ҚҚСнинг ҳаридорларга жўнатилган тайёр маҳсулотлар учун корхона ҳисоблаган ҚҚСдан ошган суммаларининг туғрилигини текшириши керак.

Юқоридаги тартиблардан кўриниб турибдики, ҚҚС бўйича бюджет олдидаги қарз тўланадиган ҚҚС суммасидан иборат бўлади. Бу кўрсаткич, ўз навбатида иккита омилга боғлиқдир: (1) сотишдан олинган ҚҚС суммасига ва (2) камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасига. Демак, аудит текширувида, дастлаб, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лардан олинган ҚҚС суммасининг реал топилганлиги текширилиши лозим. Бунинг учун аудиторлик текширувида барча ҚҚСга тортиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларининг ҳар бир тури бўйича қуйидаги тахлилий жадрал кўринишидаги аудиторнинг иш ҳужжатини тузиш лозим.

3-жадрал

**“ ” МЧЖ корхонаси бўйича 202\_ йилда сотишдан олинган ҚҚС суммаси**

Счётактуралар		Кимга сотилган	Жами сотиш қиймати	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати
№	Сана				
<b>Жами</b>					

Бир қанча сотиш турларини амалга оширувчи корхоналарда юқоридаги шаклда ҳар бир сотиш тури бўйича тузилган жадраллар асосида маҳсус қуйидаги йиғма жадрални тузиш фойдадан холи бўлмайди.

3-жадрал

**“ ” МЧЖ корхонаси бўйича 202\_ йилда сотишдан олинган ҚҚС бўйича йиғма маълумотлар**

Сотиш тури	Жами сотиш қиймати	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз сотиш қиймати	Сотиш таннари	Сотишдан олинган ялпи фойда
1	2	3	4	5	6

<b>Жами</b>					

**Изоҳ:** (1) товар (иш, хизмат)лар таннархидан паст ҳолда сотилганда 3-устунчадаги сотишдан ҚҚС суммаси 5-устунчадаги сотиш таннархи суммасига нисбатан аниқланиши лозим; (2) 0 ставкали солиқ тўланадиган товарлар, иш ва хизматлар бўйича 3-устунчада ҚҚС суммаси кўрсатилмайди.

Юқоридаги жадвалнинг 3-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Кредит 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Дебет 4010 ва бошқа сотишни ифодаловчи ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таққослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг сотишдан олинган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасининг реаллиги текширилади. Бунинг учун таъминотчиларга тўланган барча ҚҚС суммаси тегишли ҳужжатлар асосида йиғиб чиқилиши лозим. Аудит текшируви натижасида қуйидаги ишчи ҳужжатни тузиш мақсадга мувофиқ.

#### 4-жадвал

### “ ” МЧЖ корхонаси бўйича 202\_ йилда камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси

#### реестри

Счёт фактура		Кимга тўланган	Жами тўлов суммаси	Шундан ҚҚС	ҚҚСсиз тўлов суммаси
№	Сана				
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>
<b>Жами</b>					

Юқоридаги жадвалнинг 5-устунидаги йиғма суммани бухгалтерия ҳисобида Дебет 6410 «ҚҚС бўйича қарздорлик» счёти ҳамда Кредит 4410 «ҚҚС бўйича бўнак тўловлар» счётидаги ёзувлар суммалари йиғиндиси билан таққослаш, шунингдек ҚҚС ҳисоб-китобининг камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси билан солиштириш корхона ҳисоби ва ҳисоботида ушбу кўрсаткични реал акс эттирилганлигини ёки унда қанчалик четланиш мавжудлигини кўрсатади.

Аудитнинг кейинги босқичида сотишдан олинган ҚҚС ва камайтиришга олиб борилган ҚҚС ҳисоб-китоблари бўйича тузилган юқоридаги шаклдаги аудиторларнинг иш ҳужжатлари маълумотлари асосида бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг реаллигига баҳо берилади. Бунинг учун ҚҚС ҳисоб-китоби маълумотларини корхона ҳамда аудит текшируви маълумотлари ўзаро таққосланади. Ушбу маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи аудиторлик иш ҳужжати қуйида келтирилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. O'Ktamovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пулатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пулатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO 'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Vaxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.